

ЎЗБЕК ТИЛИДА БАЪЗИ МОРФОНОЛОГИК ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА

Шарипова Фируза Мехриддиновна
НавДПИ магистранти

Аннотация. Мазкур мақолада лингвистиканинг фонетика ва фонология, морфонологик ўзгаришларининг ўзбек тилида ўзига хос хусусиятлари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: фонология, морфонология, морфофонемика, фонеморфемика, алтернация, комбинатор ўзгаришлар.

Фонетика ва фонология ўзаро чамбарчас боғланган. Уларнинг асосий ўрганиш объекти битта. Биринчиси энг кичик нутқ бирликларини, иккинчиси эса шу нутқ бирликларининг фарқли белгиларини ўрганеди. Демак, улар ўзларининг объекти жиҳатидан эмас, балки бир объектнинг турли ўрганиш аспекти экани билан фарқ қилади.

Морфонология (гаплогология натижасида «морфофонология» атамасидан келиб чиққан) лингвистиканинг энг ёш соҳаси бўлиб, XX асрнинг 30 йилларида вужудга келди. Лекин морфонологиянинг ўрганиш объекти бўлган фонемалар альтернацияси ҳақида ўтган аср охири ва XX аср бошларида Ш. А. Бодуэн де Куртене ёзган зди. Морфонологиянинг вужудга келишида Прага лингвистик мактаби вакиллариининг, хусусан, Н. С. Трубецкой ва Р. О. Якобсоннинг хизмати каттадир. Ҳозиргача «фонеморфология», «морфонология», «морфофонология», «Морфофонемика», «Фонеморфемика» (кейинги икки атама кўпроқ АҚШда қўлланади) атамалари кўпинча синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Лекин баъзи тилшунослар бу атамаларни турли маъноларда қўллайдилар. Н. А. Баскаков фонемалар бирикувчи ва уларга тўғри келувчи товушларнинг намоён бўлиш қонуниятлари билан белгиланувчи морфемадаги фонемалар сони ва уларнинг алоқасини ўрганишни морфонологиянинг предмети деб ҳисоблайди.¹

Фонема сўз ва морфемалар ичида яшайди. Демак, фонемалар сўз ва морфемаларнинг ичида дискрет элемент сифатида ўзаро синтагматик муносабатда бўлади. Ҳар бир тилда сўз ва морфемаларнинг маълум фонетик структура типлари (моделлари) мавжуд. Аммо мазкур масала шу вақтга қадар лингвистикада етарли ўрганилмади. Шу билан бирга, маълум сўз бир неча морфемалар муносабатидан ташкил топиши ва маълум морфема турли морфемик қуршовда турлича алломорф (вариант)лар сифатида юзага чиқиши мумкин. Масалан: қизил + ар – қизар (ил-о), сариғ + ай (ар) – сарғай (и-о), биллак + и – билаги (к-г) каби сўзларда қизил – қиз, сариғ – сарғ, биллак – билаг морфлари бир морфеманинг маълум позицияга хосланган турли вариантларидир. Бу ўринда к-г аллофонларининг алмашинуви ҳеч қандай фонологик функция бажармайди. Ёки рус тилидаги бегу – бежишь типдаги

¹ Баскаков Н. А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. М., Изд. «Наука», 1979, с. 86.

алмашинув фонологиянинг ҳам, грамматиканинг ҳам текшириш объектига кирмайди. Чунки фонологиянинг вазифаси маълум тилдаги фонемалар миқдори ва системасини белгилаш, шунингдек, фонемаларнинг позициялари бўйича бўлинишини ва ҳар қайси позицияда фонемалар вариацияларининг ҳосил бўлишини тавсифлашдан иборат, грамматика грамматик маъно ва унинг ифодаланиш воситалари ҳақидаги таълимотдир.

Морфонологияга доир баъзи масалалар ўзбек тилининг морфологиясида қисман жуда содда ҳолда айтиб ўтилган. Кейинчалик «ўзбек тилида турли морфемаларнинг сўз таркибига кўшилиши фонетик ўзгаришга олиб келмайди. Фақат айрим ҳолларда фонетик жиҳатдан қисман ўзгариш юз беради — дейилади ва асосан, икки ҳолат келтирилади: а) сўз ва форма ясашда негиздаги товуш бошқа товуш билан алмашади: (сон — сана, онг — англа, сана — санок, тара — тарок, сайла — сайлов, эшик — эшиги, ўртоқ — ўртоғи-, б) сўз ўзгартиришда баъзан негиздаги товуш тушиб қолади: оғиз — оғзи, кўнгил — кўнгли, бурун — бурни каби⁴. Фонемалар алмашинуви ва бошқа фонетик ходисалар А. Буломнинг морфонологияга доир ишларида ёритилади. Уша даврда тилшунослигида морфонология кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинмаган эди. Кейинча «Морфемик луғатда» (Т., 1977) «морфонология»га таъриф ҳам берилди, бироқ «морфонема» атамаси қўлланмади. Чунки бундай бирликининг мавҳум эканлиги туфайли ҳалигача кўпгина тилшунослар уни қўлламайдилар. Бундай қарашнинг тарафдорларидан бири А. А. Реформатский эди. Ўзбек тилшунослигида морфонология етарли чуқур ўрганилмаган бўлса ҳам, унга доир масалалар ҳақидаги фикрлар фонетика ва морфонология доирасида учраб туради. Шу боисдан В. Н. Ярдева, умуман, морфонологияни ўрганишни фонетистлар, грамматистларга ташласа, грамматистлар эса фонетистларга қолдириб келганлигини алоҳида кўрсатиб ўтади⁵. Туркий тиллар ичида фақат озарбайжон тилининг морфонологиясига доир асар бор.

Морфологик алмашиниш, ўз-ўзидан, фонетика бўлимида ўрганилмайди. Чунки бу ерда ҳеч қандай фонетик ходиса йўқ. Шунинг учун, аввало, юқоридаги фонетик алмашинишнинг характерли хусусиятларига алоҳида эътибор бериш, унинг лингвистиканинг қайси бўлими текшириш объекти бўлиши кераклигини аниқлаш лозим.

Товуш алмашинуви узоқ вақтлардан буён лингвистлар томонидан ўрганиб келинади. Қиёсий лингвистика ўзининг дастлабки тараққиёт босқичидаёқ товуш алмашинувиغا катта эътибор берди. Айниқса, герман тиллари тадқиқотчилари мазкур масалани алоҳида ўрганадилар.

Яқин йилларгача ҳинд-европо тилларида унлилар алмашинуви (аблаут) фонетик ходиса ҳисобланиб келинди. Бундай қараш, айниқса, ёш грамматикачилар мактабига (К.Бругман, Г.Хирт ва ҳ.к.) хосдир. Аблаутга фонетик ходиса сифатида қараш ҳозир ҳам айрим тилшунослар асарларида,

айниқса, славян тилшунослигида кенг тарқалган.² Товуш алмашинувларига бундай қарашни А.А.Реформацкий ҳақли равишда кескин танқид қилди.³

Лингвистика тарихида товуш алмашинуви назариясининг ишланишида Бодуен де Куртене ва Н.В.Крушевский алоҳида ўрин эгаллайди. Улар биринчи бўлиб лингвистика тарихида товуш ўзгаришлари ва алмашинувларини бири-биридан фарқлаб ўргандилар. И.А.Бодуен де Куртене тилдаги барча товуш алмашинувларини икки категорияга бўлади: комбинатор хосланган алтернациялар; традицияга асосланган алтернациялар. У биринчи типдаги алтернацияларни фонетикага, иккинчи типдагиларни эса морфологияга киритиш лозимлигини тавсия қилади.

Ф.де Соссюр кўпгина лингвистлар алмашинув материали товуш бўлгани учун уни фонетик ҳодиса ҳисоблаб хатога йўл қўяётганини, алмашинув қандай материал асосидан иборат бўлишидан қатъи назар, у грамматикага оидлигини таъкидлайди.⁴

Лекин мазкур ҳодиса грамматиканинг текшириш объектидан ҳам бирмунча фарқ қилади. У вақтда юқоридаги ҳодисалар лингвистиканинг қайси бўлимига оид бўлиши керак?

Тил ва уни ўрганадиган лингвистика бирликлари уйғунлиги учун доимо қайғуриб келган И.А.Бодуен де Куртенининг ўзида ҳам бу масала очик қолди. Шунга қарамай, И.А.Бодуен де Куртене асарлари лингвистикада фонетика ва морфология оралиғида янги бўлимнинг ажралиб чиқишига туртки берди. Унинг ғояларига таяниб Н.С.Трубецкой морфонология (фономорфология) назариясига асос солди.

Е.А.Макайев ва Е.С.Кубрякова ҳақли равишда таъкидлаганларидек, И.А.Бодуен де Куртене ҳам, Н.В.Крушевский ҳам мазкур соҳадаги изланиш натижаларини бир назария доирасида умумлаштирмадилар. Лингвистиканинг янги бўлими – морфонологиянинг ҳақиқий яратувчиси Н.С.Трубецкой бўлди.

Н.С.Трубецкой маълум бир тилнинг фонологик воситаларини морфологик нуқтаи назардан ўрганишни морфонология объекти ҳисоблайди. Унинг фикрича, фақат сом ва ҳинд-оврупо тиллари грамматикасидагина эмас, балки барча тиллар грамматикасида фонология ва морфология оралиғида уларни боғлаб турувчи «кўприк» сифатида морфонология фахрий ўрин олиши керак. Морфонологияга эга бўлмаган тиллар морфонологияга ҳам эга бўлмайди. Морфонология ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Морфонология нуқтаи назаридан қаралган айрим тил типларини эса дунё тилларининг рационал типологиясида гуруҳларга ажратиш анча қулай.

Н.С.Трубецкой морфонология назарияси куйидаги уч бўлимни ўз ичига олиш кераклигини кўрсатади:

1. Морфеманинг фонологик структураси ҳақидаги таълимот.

2 Бернштейн С.Б. Введение в славянскую морфологию // ВЯ. 1968. №3. – С.45.2

3 Реформацкий А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии) // Вопросы грамматического строя. – М., 1955. – С.100.

4 Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. – М., 1933. – С.148.

2. Морфемалар ўзаро бирикканда, морфема таркибида юз берадиган товушларнинг комбинатор ўзгаришлари ҳақидаги таълимот.

3. Морфологик функция бажарадиган товуш алмашинуви ҳақидаги таълимот.

Мазкур уч бўлимдан фақат биринчиси ҳамма тиллар учун бир хил аҳамиятга эга. Бунга кўра, морфонологиянинг биринчи вазифаси ҳар қандай тилдаги ўзак ва кўшимча морфемаларнинг фонетик (фонологик) структураларини ўрганишдир. Дарҳақиқат, ўзак ва кўшимча морфемаларнинг фонетик (фонологик) структураларини ўрганиш маълум бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда катта аҳамиятга эга. Чунки айрим ундош ва унли фонемаларнинг маълум морфемада қўлланиши чекланган. Масалан, туркий ўзак морфема бошида ҳеч қачон **нг** ундоши келмайди. Шунингдек, соф туркий сўзлар ўзагида кўш ундошлар ҳам ишлатилмайди (ст, лт кабилар мустасно). Сингармонизмга амал қиладиган тилларда ўзак морфема таркибида ишлатиладиган унлилар таркиби кўшимча морфемалардагига нисбатан кўпроқ бўлади. Чунки кўшимча морфемалар вокализмининг кўп белгилари ўзак морфема унлиларига боғлиқ.

ХУЛОСА

Морфонологиянинг бошқа бўлимлари ўрганадиган ходисалар турли тилларда турли даражада намоён бўлади.

А.А.Реформацкий фикрига кўра, Н.С.Трубецкойнинг морфонология ҳақидаги иккинчи пунктида акс этган «комбинатор товуш ўзгаруви» ифодаси ходиса моҳиятини характерламайди. У бу ўринда морфемалар варианты (п, еч – п, ек) ёки фонемалар алмашинуви (к-ч) ҳақида гап кэтиши кераклигини айтади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда морфонология лингвистиканинг алоҳида бўлими сифатида кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинди. Фақат роман, герман, славян тилшунослигидагина эмас⁵, балки туркологияда ҳам мазкур масалага бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баскаков Н. А. Историко-типологическая морфология тюркских язмов. М., Изд. «Наука», 1979, с. 86.
2. Бернштейн С.Б. Введение в славянскую морфологию // ВЯ. 1968. №3. – С.45.2
3. Реформатский А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии) // Вопросы грамматического строя. – М., 1955. – С.100
4. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. – М., 1933. – С.148.
5. Трубецкой Н.С. Некоторые соображения относительно морфологии // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967. – С.115.

⁵ Редькин Б.А. Построение раздела «Морфонология» // Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка. – М., 1966. – С.7 – 49;

6. Редькин Б.А. Построение раздела «Морфонология» // Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка. – М., 1966. – С.7 – 49;